



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 32 (1253) • 2019-yil 9-avgust, juma

ДАВРА СУХБАТИ

Патронаж хизмати: ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Сўнги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар кўлами янада кенгайди. Ушбу соҳани замон талаблари даража-сида такомиллаштиришда мутасадди ташкилотлар билан бирга мамлакатимиз парламентининг ўрни, шу билан бирга, жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатнома-сида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасига Қонунчилик палатаси кўмакчи бўлиши зарурлиги таъкидланган эди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда тўғри йўл танлангани натижаси ўлароқ жойларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. 2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор амалиётга йўналтирилди. Қарор ижроси доирасида соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи асосида яқин қариндошлар орасида буйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил қилинди.

Президентимизнинг "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур соҳа тараққиётида янгиликларга йўл очди. Асосийси, тиббий хизматга фуқароларнинг ишончи ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлиги ошиб бормоқда.

Шу ўринда ҳудудларда партия Сайловолди дастури лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда ҳам кўплаб фикр ва таклифлар айнан соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

2-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИГА



Шу йилнинг 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Қарорга кўра, халқимиз учун энг улуг, энг азиз

ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш белгиланган.

Айниқса, ижодкор, зиёлилар, журналистлар олдида охириги йилларда қилинган ишлар — сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар орқали мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро



жамоатчиликка етказиш вазифаси қўйилган эди. Шу муносабат билан матбуот саҳифаларида бу йўналишда кўплаб мақолалар, лавҳалар, эсселар эълон қилинмоқда. Газетамиз саҳифаларида ҳам бу улуг байрамга тайёргарлик

ишлари кенг ёритилмоқда. Ҳафталигимизнинг бу сонида **БУХОРО** ва **СИРДАЁ** вилоятида кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорликлар ҳақидаги мақолалар, фотолавлар ўрин олди.

4-5-БЕТ

Бугунги сонда:

"Сувга оқаётган" миллионлар **3**

Аэропортдаги ўғирлик **6**

Дарднинг давоси бор **7**

Эски шаҳардаги муаммолар: сектор раҳбари сиймоғоч тагидан ўтмайdimи? **8**

Номзодни ҳоким эмас, СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТАНЛАЙДИ

ФИКР

Сайлов ҳар бир сиёсий партияни халқ синовидан ўтказди. 2019 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга Ўзбекистон "Адолат" СДП тизимида ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий муносабатлар ҳар қандай демократик давлатда ҳам бир хил бўлмайди. Буни юртимизда мавжуд сиёсий партиялар фаолиятига муносабатларда ҳам кўриш мумкин.

Демократиянинг асосий тамойили ҳам ана шу хилма-хилликка йўл очиди, яъни ҳар бир фуқаро жамият ҳақида ўз фикрини маданий тарзда айта олиши даркор. Ҳукуматнинг вазифаси эса ана шу фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ўз ислохотлари стратегиясини белгилашга қаратилади. Чунки таклифи инobatта олинган фуқаро уни рўёбга чиқаришда ҳам фаоллик кўрсатади.

Тан олиш керакки, жамиятимизда сиёсий партиялар фаолияти ҳақида кўпроқ танқидий фикрлар сақланиб қолмоқда.

Айни кунларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда сиёсий партиялар фаолияти ҳақида таҳлилий, танқидий чиқишлар сезиларли даражада ўрин олмоқда.

2-БЕТ

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Республикаимиз ҳудудларида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сиёсий дастури ҳамда Сайловолди дастури лойиҳалари муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Унда партиянинг асосий ҳужжати лойиҳалари таҳлил этилиб, партиядошларимиз ва кенг жамоатчилик вакилларининг фикр ва таклифларига эътибор қаратилмоқда.

Тушунарсиз ва ғализ жумлалар ўрнига АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНСА...

ФАРҒОНА вилоятида ўтказилган давра суҳбатида партияимизнинг янги Сайловолди дастури лойиҳаси ўрганилиб, унинг мазмун-моҳиятини янада бойитиш аҳолининг манфаати учун муҳим эканлиги таъкидланди.

— Сайловолди дастури лойиҳасининг тиббиёт соҳасини ривожлантиришга доир қисмини мукамалроқ ишлашга зарурат бор, — деди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Раъно Сулаймонова. — Хусусан, ўспирин ёшлар ўртасида учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида барча қишлоқ ва оилавий поликлиникалар фаолиятини

такомиллаштириш партиянинг диққат марказида бўлиши лозим.

Тадбирда ўртага ташланган давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун тўлов тизимида чегирмалар белгиланиши ҳақидаги таклиф йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

АНДИЖОН. Келгусидаги фаолиятимиз учун дастуриламал бўлувчи дастури лойиҳаси юзасидан андижонлик партиядошларимизнинг фикр ва таклифлари ҳам диққатга сазовор.

2-БЕТ

Талаба 5 йил ўқиса?..

Партияимизнинг иккала дастури лойиҳаларида ҳам айрим бандлар эътиборимни тортди. Уларнинг айримларида аниқлик етишмайди, партия зиммасига жиддий вазифалар юкламайдиган умумий гаплар кўп. Дастур қисқа ва лўнда бўлиши, ҳар бир ўринда аниқ вазифа ҳамда уни амалга ошириш механизми кўрсатилиши керак. Эскирган усулда дастур ёзиш билан эса ўз мақсадларимизга сайловчини ишонтириш у ёқда турсин, қизиқтириб ҳам бўлмайди.

Шу боис дастурларимиз лойиҳаларини замон талабларига жавоб бера оладиган даражада такомиллаштириш, ҳаётий мазмун бағишлаш учун ҳар бир партиядошимиз ҳисса қўиши лозим. Хусусан, таълим йўналишида партия ўз олдида кўпроқ аниқ вазифаларни белгилаб олса, мақсадга мувофиқ бўлади.

3

